

МАТБУОТ АНЖУМАНИ СОҒЛОМ ТУРМУШ ТАРЗИНИ ҚҰЛЛАБ- ҚУВВАТЛАЙМИЗ!



Бугун, 9июнь куни Олтинсой тумани ҳокимлиги мажлислар залида туман ҳокимлиги Ахборот хизмати раҳбари Үрол Абдурасулов томонидан Олтинсой туман тиббиёт бирлашмаси бошлиғи вазифасини вақтінча бажарувчи Мамаюсұф Күчаров, бошлиқ үринбосари Мираҳмад Раҳмоновлар иштирокида “Тұғри овқатланиш ва соғлом турмуш тарзи” мавзусида матбуот анжумани үюштирилди. Унда тумандаги “Халқ ва ҳаёт” газетаси журналистлари ҳамда блогерлар қатнашды.

Матбуот анжуманида туман тиббиёт бирлашмаси бошлиғи үринбосари Мираҳмад Раҳмоновнинг мавзу юзасидан ахбороти тингланди. Маъruzачининг таъкидлашича, айни пайтда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2023 йил 11 апрелдаги 12/1-410-сонли “2023-2025 йилларда “Тұғри овқатланиш ва соғлом турмуш тарзи умуммиллий ҳаракатини амалга ошириш дастурида белгилаб берилған вазифаларнинг Олтинсой туманидаги ижроси бүйича күпгина ишлар амалга оширилмоқда. —Ушбу топшириқ юзасидан йўл харитаси белгилаб олиниб, амалий ишлар бошлаб юборилди,—деди М.Раҳмонов матбуот анжуманида.— Дастрлаб туманинг “Қумпайкал” маҳалласи танлаб олинди. Боиси, мавзу бўйича кўргазмали семинарлар ташкил этиш учун қулай ушбу маҳалла барча талабларга жавоб бериши инобатга олинди. Тез кунларда туман миқёсида кўргазмали семинарлар ташкил этиш кўзда тутилганлиги маълум қилинди. Мактабгача таълим муассасаларида 3-6 ёшли болалар орасида соғлом турмуш тарзи кўникмаларини шакллантириш бўйича “Соғломжонлар тўгараги” ташкил этиш, мактабларда “Соғлом ёшлар” волонтёрлик гурухлари фаолиятини йўлга қўйиш, амалий машғулотлар олиб бориш, барча мактабгача таълим ва умумий таълим муассасаларида муассасанинг тиббиёт ходими, психолог тарбиячилари учун “Соғлом турмуш асослари” бўйича машғулот ўтиш борасидаги ҳамкорликдаги ишларни йўлга қўйишга киришилди. Маҳаллалар қўчаларига тұғри овқатланиш соғлом бўлишнинг гарови эканлиги ҳақидаги баннерлар учун буюртмалар берилди.“Қумпайкал” маҳалласида туман маҳаллалари вакиллари , жойлардаги

саломатлик масканлари раҳбарлари келиб ўрганадиган шарт-шароитлар яратилмоқда.

Матбуот анжуманида Олтинсой туман тиббиёт бирлашмаси бошлиғи вазифасини бажарувчи Мамаюсуф Кўчаров блогерлар Собир Шоҳимардонов, Мирзали Турдиев, журналистлар Тўрамурод Раҳмонов, Нормурод Темиров, туман ҳокимлиги хизмати раҳбари Ўрол Абдурасуловлардан “Тўғри овқатланиш ва соғлом турмуш тарзи умумиллий ҳаракатини амалга ошириш дастури” доирасида амалга оширилаётган ишлар юзасидан тушган саволларга батафсил жавоб берди.

Нормурод Темиров,

Одилжон СОДИҚОВ.